

## ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ЎСМИРЛАР ЭМОЦИОНАЛ ЗЎРИҚИШЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

*Курбонова Муборак Бойбута кизи*

*Педагогика ва психология йуналиши 1-курс магистранти.*

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада оилавий муносабатларни урганувчи психологик методикалар яратилган бўлиб, бугунги шиддат билан узғариб бораётган глобаллашув даврига келиб ҳам узбекистон уз истикболи ва келажагини оилани ривожлантириш, уни эъзозлашда, деб билаётгани анъанавий кадриятларимизни янада бойитган холда замонавий, намунали ва фаровон оилани барпо этиш давлат сиёсатининг устувор йуналишларидан бирига айланганида уам яккол намоён бўлмоқда.

**КАЛИТ СУЗЛАР:** оила, оилавий муносабатлар, оилавий кадриятлар, трансформация, муаммони идентификация қилиш, концептуализация, формализация, реализация, тест утказиш.

### **КИРИШ**

Бугунги шиддат билан узғариб бораётган глобаллашув даврига келиб ҳам Узбекистон уз истикболи ва келажагини оилани ривожлантириш, уни эъзозлашда, деб билаётгани анъанавий кадриятларимизни янада бойитган холда замонавий, намунали ва фаровон оилани барпо этиш давлат сиёсатининг устувор йуналишларидан бирига айланганида ҳам яккол намоён бўлмоқда. Психокоррекцион ва профилактик иш учун ўсмирнинг ўзига ўзи баҳо бериши ва даъвогарлик даражасини билиш муҳим. Уларнинг орасидаги фарқ қанча катта бўлса, ўсмирда асаб бузилишлари ва ижтимоий мослаша олмаслик хавфи шунча юқори бўлади. Ўсмирга биринчи психологик ёрдам кўрсатиш вақтида қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур. сиз ишонинг, сиз унга ёрдам бера оласиз.бундай вазиятларда бошига шундай иш тушган одамлардан тажриба ўрганинг.сабрли бўлинг.Профилактик суҳбат ўтказиш усули. Инқирозли ҳолатни енгиб ўтишда, асосийси, ўсмир билан индивидуал профилактик суҳбат ўтказиб, қуйидагиларни эътиборга олиш муҳим: суҳбатда мижозни фаол тинглашга етарлича эътибор қаратиш;фаол тингловчи – бу суҳбатдошни бутун диққати билан, уни айбламасдан тингловчи одамдир, бу эса унга ичидагини тўкиб-сочиш имконини беради; фаол тингловчи суҳбатдошнинг ҳиссиётларини тўлиқ тушунади ва унда

Ўзига бўлган ишончни сақланиб қолишига ёрдам беради; фаол тингловчи суҳбатдошини эшитишларига ёрдам беради. Суҳбат ўтказиш юзасидан тавсиялар: суҳбат бўлинмаслиги учун тинч жойда суҳбатлашиш; суҳбатдошнинг қаршисида ўтириш (ўртада стол бўлмаслиги) бутун эътиборни унга қаратиб, тўғри қараб ўтириш керак; суҳбатдош уни тинглаганлигингизга ишонч ҳосил қилиш учун айтганларини қайта сўзлаб беринг; суҳбатдошнинг гапини бўлмасдан тинглаш ва у тўхтагандан сўнг гапириш; жадвалда келтирилган тавсиялардан фойдаланган ҳолда биринчи психологик ёрдам кўрсатинг. Бундан ташқари, суҳбат ўтказиш жараёнида қуйидаги тамойилларга амал қилиш зарур: суҳбат учун жой танлашда муҳими – бегоналар бўлмаслигига эътибор қаратиш; суҳбатни имкон қадар бўш вақтда (ишдан, хизматдан кейин) ташкил қилиш керак; суҳбат жараёнида ҳеч қандай ёзма қайдлар қилмаслик ва соатга қарамаслик мақсадга мувофиқдир. Суҳбатдошга бутун кўринишингиз билан, сиз учун у билан суҳбатдан бошқа ҳеч нарса муҳим эмаслигини кўрсатиш.

Оилавий муносабатлар диагностикаси оилавий муаммоларни ечишда самарали йул ва усулларни аниқлашга ёрдам беради. Бунда купинча оиланинг ички мухитини, муаммоли вазиятлар юзага келишига олиб келувчи яширин психологик сабаб ва қонуниятларни очишга имкон берувчи тест методикалардан фойдаланилади.

### **ХУЛОСА**

Бугунги кунда психологияда никоҳ-оила муносабатларини аниқлашга қаратилган бир қатор методикалар мавжуддир. Лекин шунга қарамай, оилавий консультация соҳасидаги энг нозик масала миқдорнинг оила-никоҳ муносабатлари тугрисида тулик, аниқ ва объектив маълумот ола билишдир. Диагнознинг аниқ қуйилиши, коррекцион ишнинг йуналишини ва методларни тугри танлаш, ҳамда курсатилаётган ёрдамнинг самараси айнан шу маълумотга боглик булади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Қаршибоева Г.А. Ўсмирларда суицидал хулқни пайдо бўлишида ижтимоий функциялар бузилишининг психологик ҳолатлари.// Психология. Илмий журнал. 2020. №4. 101-104 б.

2. Қаршибоева Г.А. Эмоциональные аспекты при суицидальной поведении подростка.//Scientific Collection «InterConf», (40): with the Proceedings of the 2nd International Scientific and Practical Conference «Scientific Community: Interdisciplinary Research» (January 26-28, 2021). Hamburg, Germany: Busse Verlag GmbH, 304-309 с.

3. Қаршибоева Г.А., Абдурасулов Р. International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Reviewed Open Access International Journal.// Vol 10 Issue03, March 2021. 501-505 p.

4. Қаршибоева Г.А. Аспекти социально-психологического исследования суицидального поведения подростков.//Научный журнал. Мир образование – образование в мире. 2021г. №1, 50-56 с